

**ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ И
АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ПОЭЗИИ**

(научно-популярное издание)

ТАШКЕНТ - 2016

УДК:
ББК

Особенности современной узбекской и азербайджанской поэзии.
-Ташкент: Extremum press, 2016.-220 с.

Идея создания книги принадлежит Азербайджанскому культурному центру имени Гейдара Алиева при посольстве Республики Азербайджан в Республике Узбекистан и Обществу дружбы «Узбекистан-Азербайджан»

Ответственный редактор –
доктор филологических наук,
профессор **Х.Хамидов** (профессор ТГПУ)
Специальный редактор – **Бобохон Мухаммад Шариф**

Рецензенты:

Кандидат филологических наук, доцент **Каромат Муллаходжаева**
(заведующий кафедрой ТГПУ)

Доктор филологических наук, профессор **Меммед Алиев**
(заместитель директора Института литературы Национальной академии наук Азербайджана)

Составитель – доктор филологических наук **Саодат Мухамедова**

Данное научно-популярное издание отражает результаты исследования особенностей современной узбекской и азербайджанской поэзии. В нем подробно анализируются своеобразные черты современной узбекской и азербайджанской поэзии. В качестве приложения приведены переводы стихов азербайджанских поэтов на узбекский язык и переводы стихов узбекских поэтов на азербайджанский язык. Такого рода издание публикуется впервые. Оно предназначено для широкой общественности, для филологов, преподавателей вузов, научных работников, докторантов, студентов двух братских стран – Узбекистана и Азербайджана.

ISBN:

© Extremum-press, 2016 г.

ОТ СОСТАВИТЕЛЯ

Узбекско-азербайджанские литературные связи имеют очень давние корни. Например, уже в середине XIV века Кутуб Хоразми перевел на узбекский язык «Хусрав и Ширин» Низами Гянджави. Навои считает Низами своим учителем и пишет, что вдохновленный ««Панж ганж»ом Низами, написал свою «Хамсу». В XV веке Хайдар Хоразми перевел на узбекский язык поэму Низами «Махзан ул-асрор». В XIX веке Огахий перевел на узбекский язык «Хафт пайкар» Низами. Навои в своих произведениях «Мажолис ун-нафоис», «Мухокамат ул-лугатайн» наряду с Низами с большим уважением говорит о творчестве азербайджанских поэтов и ученых как Шайх Ширвани, Абу Аббос Сухраварди, Абу Абдуллох Хагани Суфий, Шайх Тебризи, Касым Анвари и др. Начиная с XVII века произведение Мухаммеда Фузули «Лейли и Межнун» в медресах Туркистана выполняло функцию основной учебной литературы.

Произведения Навои уже при его жизни были очень знамениты среди азербайджанских поэтов. Ишвари и Фузули считали Навои своим учителем. Фузули в своём предисловии к «Лейли и Межнун» ставит Навои на один ряд с Низами.

Огромный вклад в развитие узбекской литературы внес сын азербайджанского народа Максуд Шайхзада. Аналогичный вклад в развитие языкознания Азербайджана внёс и сын узбекского народа тюрколог Халид Саид, который долгие годы жил в Баку, где и поныне проживает его семья.

Следует отметить, что новую платформу для дальнейшего развития литературных связей двух стран создают встречи глав государств. При этом особое место занимает официальный визит Президента Республики Узбекистана Ислама Каримова в Азербайджанскую Республику, состоявшая 11-12 сентября 2008 года. В ходе данного визита состоялась церемония подписания двусторонних документов. Было особо отмечено о благополучном развитии братских и дружеских отношений между нашими странами. Во время визита Ислам Каримов познакомился с Фондом Гейдара Алиева, также принял участие на церемонии открытия памятника великому узбекскому поэту Алишеру Навои в столице Азербайджана в городе Баку. Эта встреча дала новый толчок развитию узбекско-азербайджанских литературных связей.

Большое количество азербайджанской литературы переведены на узбекский язык. Пьесы Дж. Джаббарлы «Севиль», «1905 – джил» напечатаны на узбекском языке. В Узбекистане с большой любовью относятся к азербайджанскому языку и литературе, изучают его, переводят с оригинала, поддерживают тесные отношения с Союзом писателей. Писатели Усман Кучкар, Бабахан Шариф, Рустам Джаббаров хорошо владеют азербайджанским языком и переводят с оригинала. В 2012 году роман Сабира Рустамханли «Кук тенгри» был переведен на узбекский язык. В 2013 году изданы сборник «Умрдан узун кеча» (рассказы азербайджанских писателей. Переводчик - Рустам Жабборов) и «XX аср Озарбайжон шеърияти антологияси (перевод стихов азербайджанских поэтов)». Презентации обеих книг проведены в ТГПУ имени Низами.

В Узбекистане на филологических факультетах ВУЗ-ов изучается предмет «Жахон адабиёти» (мировая литература) и где студенты знакомятся с творчеством также азербайджанских писателей и поэтов, как Абул Ула Ганжави, Фалакий-Ширвани, Махсети Ганжави, Молла Панах Вагиф, Аббаскули Бакыханов, Мирза Шафи Вазех, Исмаилбек, Мирза Фатали Ахундов, Саид Азим Ширвани, Мухаммад Хади, Аббас Саххат, Гусейн Джавид, Джафар Шаболи, Самед Вургун, Марварид Дилбази, Наджафбек Везиров, Мирза Ибрагимов, Расул Рза, Нигар Рафибейли, Исмаил Шыхли, Гусейн Аббасзаде, А.Аскеров, Элчин, Анар, М. Ибрагимбеков, Бахтияр Вахабзаде, Зелимхан Якуб, Муса Якуб, Элчин Искендерзаде, Кулу Аксас, Эльхан Зал, Салим Бабуллаоглу, Элчин Мирзабейли и многих других.

В Азербайджанском педагогическом университете изучается предмет «Литература народов СНГ», где освещается творчество многих узбекских писателей. В Азербайджане хорошо известно творчество Абдуллы Кадыри, Айбека, Зулфии, в 2015 году повесть Уткура Хашимова «Дунёнинг ишлари» переведен на азербайджанский язык. Переводчик – Махир Юнлю.

Необходимо особо отметить произведения профессора Национальной академии наук Азербайджана Алмаз Улви Биннатовой, которая плодотворно трудится во имя укрепления узбекско-азербайджанских дружеских и литературных связей. Алмаз ханым написала две прекрасные монографии "Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında" («Алишер Навои в азербайджанском литературоведении») и "Azərbaycan - özbək (sığatay) ədəbi əlaqələri"

(«Азербайджанско-узбекские (чагатайские) литературные связи»), где освещены вековые литературные связи наших братских народов.

В Узбекистане с большим успехом функционирует Общества дружбы «Узбекистан–Азербайджан», председателем которого является ректор ТГПУ имени Низами доктор педагогических наук, профессор Шавкат Сафарович Шарипов. Данным обществом проводится огромная работа по укреплению дружбы между народами двух братских стран, на регулярной основе проводятся престижные и широкомасштабные мероприятия, в частности, совместно с Азербайджанским культурным центром имени Гейдара Алиева в Ташкенте.

Данное коллективное издание является наглядным примером дружбы узбекских и азербайджанских народов в области литературы. Главной целью издания является познакомить научную общественность с особенностями современной поэзии Узбекистана и Азербайджана. В книгу вошли статьи ученых Узбекистана и Азербайджана. Данное издание можно также называть «Книгой дружбы народов Узбекистана и Азербайджана». Поэтому в нем статьи приведены на трёх языках. В качестве приложения приведены переводы стихов азербайджанских поэтов на узбекский язык и переводы стихов узбекских поэтов на азербайджанский язык. Отрадно то, что издание послужит для дальнейшего укрепления дружбы между нашими братскими народами.

Глава 1. ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

1.1. ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ В ТРАКТОВКЕ УЗБЕКСКИХ УЧЕНЫХ

МАРГУБА МИРҚОСИМОВА¹ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАРИ (ВЕДУЩИЕ ТЕНДЕНЦИИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ)

Ҳозирги адабий жараён ҳақида гап кетар экан, миллий адабиётимизнинг энг сара асарлар ҳисобига бойигани, мазмунан теранлашгани, шакллар ва услублар хилма-хиллиги ҳар қайси даврга нисбатан аниқроқ кўзга ташланганини тан олиш керак. Ҳар бир авлод миллий адабиётни бойитиш манбаларини излар ва яратар экан, бу кўпинча, шакл ва услуб янгиланиши ҳисобига рўй беради. Бугунги ўзбек шеърияти анъанавий тасвир усулидан фарқ қилувчи янгича образлар, кутилмаган рамзий ифодалар, қочиримлар, тазод ва парадокслар, энг муҳими, бетакрор сероҳанг, сермаъно ифодалар билан китобхонни ўйлатади. Фикрнинг ихчам, лўнда шаклда ифодаланиши, замонамиз ва замондошимиз руҳий оламини янги жиҳатлардан поэтик тадқиқ этиш – инсоннинг безовта руҳини, дардларини тасвирлаш борасида эришилган ютуқлар ўзбек шеърияти янги поэтик сарҳадларни кашф этаётганлигидан далолатдир. Адабиётшунос олим У.Ҳамдам “Янги ўзбек шеърияти” китобида бугунги давр шеъриятининг ифода усулларини бешга бўлади:

1. Анъанавий бармоқ.
2. Халқона оҳанг.
3. Аруз.
4. Модернистик оҳанг (ёки оҳангсизлик).
5. Синкретик (қоришиқ) ифода усули². Албатта, бундай бўлиниш муайян мулоҳазаларни келтириб чиқариши мумкин. Муҳими, ҳозирги ўзбек шеърияти янгиланаётган, турфаланаётган шеъриятдир. Ҳозирги

¹ Марғуба Мирқасимова - профессор кафедрасы «Узбекской литературы и методики её преподавания» Ташкентского государственного университета имени Низами, доктор филологических наук, профессор

² Hamdam U. Yangi o'zbek she'riyati. – T.: Adib, 2012. – 302 b.

шеъриятнинг хос хусусиятларини кўрсатувчи тамойилларни адабиётшунос олим Нурбой Абдулҳаким қуйидагича белгилайди:

“1. Замонавий мавзуларни кўхна арузда ифодалашга интилиш. Ўтган асрнинг 20-30-йиллари шеъриятида аруздан бармоққа ўтиш тамойили кузатилгани маълум. Кейинчалик бутунлай бармоққа ўтилди. Бугун эса арузга эҳтиёж бироз кучаяётгандек. Айни кезде бу кўхна вазнга янгича руҳ бераётганлар ичида энг фаоли устоз Абдулла Ориповдир. Шоирнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламига кирган ғазаллари ушбу жанрнинг мумтоз намуналаридир.

2. Шеъриятда халқона оҳангларга эҳтиёжнинг ортиши.

3. Поэтик шаклдаги янгиланиш. Умуман, поэтик шаклдаги янгиланиш ва изланишлар миллий шеъриятимизда, назмий тафаккурда, бадий-эстетик дунёқарашда муайян даражада ўсишга олиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

4. Поэтик образлардаги янгиланиш. Образда янгилик қилиш шаклдагига қараганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ҳодисага кўпроқ боғлиқ¹”.

Ҳозирги кунда модерн йўналишда ижод қилаётган шоирлар талайгина. Уларнинг ҳар бири бу йўналишда муваффақият билан ижод қиляпти деб бўлмайди. Академик Б.Назаров адабий таъсир ва типология ҳақида фикр билдира туриб, модернистик йўналишдаги асарларга ҳам тўхталиб ўтади. Шу ўринда Баҳром Рўзимухаммаднинг айрим тажрибаларидаги хусусиятлар ҳозирги жаҳон адабиётининг модернистик йўналишдаги асарларида мавжуд хусусиятларига эш эканлигини эътироф этар экан, олим ўзини бошқа бир ҳолат ташвишга солаётганини яшириб ўтирмайди. Унинг фикрича, муайян миллий адабиётдаги, наинки кенг китобхонлар оммаси, балки ўткир дидли, талабчан, катта тажрибага эга китобхонлар ҳам қабул қилмайдиган, адабиётнинг бадий такомиллашувига таъсир кўрсатмай, аксинча, миллий эстетикни ўтмаслаштириши мумкин бўлган типологик ҳодисалар бадий адабиётдаги ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиши қийин.² Адабий суҳбатлари билан ўзига хос мактаб яратган олим У.Норматов “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи³” деб номланган суҳбатида шоир ва ёзувчи У.Ҳамдам билан бугунги шеърият, унинг ривожланиш тадрижи, ўзига хос тамойиллари ҳақида суҳбатлашар экан, шеъриятнинг барча йўналишлари қаторида модерн

¹ Abdulhakim N. Yangi zamon she'riyati: izlanishlar, tamoyillar. Sharq yulduzi//2013, 3-son, 137-140-b.

² Nazarov B. Adabiy ta'sir va tipologik yaqinlikni o'rganishning ayrim metodologik masalalariga doir. O'zbek adabiyoti: ta'sir va tipologiya (Respublika ilmiy-nazariy konferensiyasi materiallari). –Т.: Toshkent, 2013.16-b.

³ Normatov U. Dunyoni yangicha ko'rish ehtiyoji. Ijod sehri. – Т.: Sharq, 2007, 234-278-betlar.

шеъриятга ҳам муносабат билдириб ўтади. Олим бу йўналишни кескин қоралаш эмас, балки уни англаш, тушуниш кераклигини айтади. Шеърга қараш даврга қараб янгилашиб боради. Сухбатнинг бир ўрнида “модерн изланишлар турғунликнинг эмас, балки фаол ҳаракатнинг мевасидир”, дея таъкидланади. Умуман, модернистик йўналиш ўз хусусиятлари билан бошқаларидан фарқ қилади. Унинг асосий жиҳатларини У.Ҳамдам шундай изоҳлайди:

– воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш;

– сиқиклик;

– санъат майдонида “ўйин”га ружу кўйиш, шеърий санъатлар ролининг ортиши;

– бутун ҳақида парча орқали маълумот етказиш. Чунончи, биргина ғамгин кўзлар орқали инсоннинг бутун-бутун ҳолатлари, кечинмалари, орзу-армонлари ва ҳоказолари ҳақида “ҳикоя қилиш” га уриниш;

– шоир “мен”и учун кўнгилининг, унинг ҳолати-ю “дунёга қараши”нинг бирламчи эканлиги;

– шаклда ўзига хослик.¹

Истеъдодли шоир Баҳром Рўзимухаммад яратган поэтик кашфиётлар анъанавий шаклларга мос тушмайди, гапларнинг грамматик жиҳатдан параллел жойлаштирилиши, риторик тузилиш, мурожаат, хитоб оҳанглари ифодалашга йўналтирилганлиги билан янгича:

*Арвоҳнинг дастхатини кўрдим
Қалқиб йиқилдим бир бўлак тушга
Осмон
Қорачиғи суғуриб олинган
кўз каби
Бойўғли увиллар эди
Ўвиллаб қолган боғда
Соялар
Ҳеч ким таклиф қилмаса-да
рақсга тушарди
Яна нима дейишим мумкин
дунё кенг экан*

Мазкур шеърда Бойўғли увуллаётган кимсасиз боғ, қорачиғи суғуриб олинган осмон, рақсга тушаётган соялар гўё туш кўраётган

¹ Hamdam U. Yangi o‘zbek she’riyati, 302-b.

одам нигоҳлари орқали кузатилади. Туш эса ўлимга қиёсланади. Шу боис, шоир тасвирлаётган манзара жонсиз, ҳаракатсиз, маънисиздай туюлади. Аммо инсоннинг кўзларига яширинган олам билан ақл ва идрокка сингишган дунё манзаралари айна оламнинг турфа кўринишларидир. Шоир дунёнинг кенглигини таъкидлар экан, унинг рангин эканлигига ҳам диққатни қаратади.

*Жийда гули
мени маст қилди
жин чалди жийданинг остида
Сап – сарик чироқмикан бу гуллар
юлдуз шуъласидан қувват оларми?
Нуқул қўшиқчилар жаранги
энг хавфлиси шунда-ки
болари нектар йиғмоқ учунмас
сизни чақиш учун келди*

Жийда гулининг ифорида маст ҳолдаги лирик қаҳрамон гўзаллик ўғриси сифатида тасвирланади. Табиий гўзалликнинг шарбатини симирувчи боларилар бу “ўғрини” чақиш учун келаётгандай. Манзара анъанавий поэтик тасвирга сира ўхшамайди. Шоир айтмоқчи бўлган поэтик фикр ҳам яширин. Тасвирланаётган манзарадан китобхон ўз зеҳни ва туйғулари қувватига кўра маъно англайди: гўзаллик қаршисида эс-ҳушидан айрилган лирик қаҳрамонни жин чалиши натижасида жийда гуллари сарик чироқларга, жийда гулига парвона боларининг ҳаракатлари қўшиқчилар жарангига ўхшатилади. Айна шу нуқтада поэтик маъно юзага чиқади: бизни ўраб турган олам ва унинг гўзалликларидан ҳайратланишни, завқланишни билмаган инсон ҳаёти рўёга ўхшайди. Бундай одамлар фақат ейиш-ичиш ғами билан умр ўтказадилар, уларни боларининг машаққатли меҳнати натижаси эмас, ўз жонининг, ҳузур-ҳаловатининг беҳавотирлиги қизиқтиради. Бундай одамлар боларидан ҳам майдароқ, боларичалик фойда келтирмайдиган, ўз нафсининг кулларидир. Шеърда манзара ичига қараб ҳаракатланувчи спирал кўринишли поэтик тафаккур бу дунёнинг ранг-баранг манзараларга бойлигини, ҳар бир манзара ўз ички маъноларига эга эканлигини англатади. Шоир шеърларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян бир образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳангга эга эканлигини қуйидаги шеър орқали ҳам кузатиш мумкин:

*Узоқ тараддудланиб турди Қўрқув
хотиржамликка ўхшаб бамайлихотир
таҳликага чап бериб турди
Қўлини соябон қилиб қошига
Ваҳима яшаётган уйга қаради
Қаради музаффар навкар сингари
Сўнг эса
сўнг шундай алпозга тушидики,
қалтирамаган жойи қолмади*

Қўрқув образи орқали шоир диққатимизни унинг хавfli маънавий иллат эканига қаратади. Кези келганда қўрқоқ одамлар хотиржам, уддабурон, айёр ва ўта эҳтиёткордирлар. Аммо мардлик талаб қилинганда, улар ўз-ўзини фoш этади. Ана шу маънолар қўрқув образи орқали тасвирланаётган манзара-ҳолат замиридан англашилади. Кўриниб турибдики, бундай шеърларнинг чуқур маъноларини илғаб олиш учун икки муҳим омилни теран идрок этиш талаб қилинади: биринчиси, Навоий, Бедил сингари санъаткор ижодкорларнинг меросидан, анъаналаридан; иккинчиси, умумевропа бадий тафаккурининг нафис намуналаридан бохабарлик; бугунги ўзбек шеърлятида Баҳром Рўзимухаммад каби шоирлар ижодида ана шу икки муҳим омил ўзаро туташиб, янги бадий кашфиётлар яратилишига таъсир кўрсатмоқда. Бармоқ вазнида ёзилган шеърлардан фарқ қилувчи ҳижо, туроқ ва қофиядан узоқ, халқ жонли тилига яқин бундай сарбаст шеърлар кўпроқ насрга ўхшаб кетса-да, бадий таъсирчанлиги, поэтик тили, сермаънолилиги, оҳанги, сўз жозибаси билан китобхонни ўйлатади, фикрлатади.

*Илоннинг ўзидан эмас
шаклидан қўрқаман
шамойили совуқ мен учун
мабодо мушукка ўхшаганида борми
силаб-сийпалардим илонни...*

Ҳаётда муайян шакл-шамойилга эмас, балки ўз нуқтаи-назарига эгалик кимларнидир чўчитар, ҳақ сўзни дангал айтувчилардан кўпчилик ҳадиксирар. Агар бундай одамлар дафъатан мўмин-қобил ё мулойим кишига айланиб қолсалар, ҳамма “ёқтирадиган” қиёфага кириши мумкин. Хўш, мўмин-қобиллар нима учун барчага ёқади? Шоир “мўмин-қобиллик” ортида яширинган маънавий иллатлар ҳақида ўйлаётир, ўйлатаётир.

“Соялар суҳбати” номли шеърида шоир рангсиз қиёфа образини тасвирлашда ранг-рамздан маҳорат билан фойдаланган:

*Менга нима бўлди учта соям бор
Иккитаси рангсиз, биттаси сариқ
Ҳиринглаб кулади бир соям
Чунки йўқотиб қўйдим болалигимни
Топганим жийда гулининг ифори
У ҳам бошқа боққа ўтиб кетганди...*

Шоир инсон умрининг паллаларини сояларга ўхшатади. Иккита рангсиз соя – болалик ва йигитлик даврини маънисиз ўтказган инсон умрининг соялари. Сариқ рангли соя – қарилик чоғи ўз умрини сарҳисоб этиб, ўз устидан кулаётган, яъни бўм-бўш ҳаёти устидан ҳукм чиқарган инсоннинг умумлашма образи. У ҳаёти давомида юксак орзулар ё эзгу мақсад учун яшамаган, аммо қачондир гўзалликни севган. Афсуски, бу гўзаллик ҳам “бошқа боққа ўтиб кетганди”. Баҳром Рўзимухаммад ижоди ҳақида гап кетар экан, шоир ижодининг ўзбек ва немис адабиётида айрича ўрни борлигини айтиш жоиз. Ровияжон Абдуллаеванинг “Адабий алоқалар типологияси”¹ номли мақоласида “давсаман” атамасининг пайдо бўлиши билан боғлиқ қизиқ факт кишини бефарқ қолдирмайди. Ўзбек шоири сўз билан чизган тасвир немис адабиётига муҳрланиб қолганининг ўзиёқ шоир ижодига ғарб адабиётшунослигининг баҳосини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек шеъриятига хос ранг-рамз, образ-рамз орқали ифода қилинаётган маънолар, образли ифодалар шоирларнинг ўзига хос услуби ва маҳорати орқали янги поэтик кашфиётлар яратилишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда яратилган ўзбек шеърияти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, жаҳон адабиётига хос илғор ижодий анъаналарни миллий руҳият рангларига йўғириб ифодалаш анъаналарни ҳам, янги талқин услуби ва янги шаклий изланишларни, анъанавий услубнинг хилма-хил ифода кўринишларини ҳам кузатиш имконига эга бўламиз.

“Энди адабиётимизнинг қиёфаси мозаикасимон эканига кўнишимиз, кўникишимиз лозим, – деб ёзади адабиётшунос Дилмурод Қуронов. – Зеро, бу табиий ва қонуний бир ҳолдир. Шунанга экан, аввало, бугунги адабий жараёндаги ҳодисаларга муносабатни шунга мослаш, уни дунёни бадий идрок қилиш бобидаги

¹ Abdullaeva R. Adabiy aloqalar tipologiyasi (Germaniya turkiyshunosligi misolida). O‘zbek adabiyoti: ta’sir va tipologiya (Respublika ilmiy-nazariy konferensiyasi materiallari). –T.: Toshkent, 2013, 101-107-betlar.

ҳар қандай гоявий,бадий-услужий изланиш – яшашига ҳақли деган тамойилга куриш керак бўлади. Яъни турли “изм”лар ҳақида баланддан туриб, бурун жийириб гапириш тўғри эмас. Аксинча, адабиёт ривожини эндиликда ўша “изм”лар орасидаги соғлом рақобат муҳитини тақозо этади¹”. Бугунги ўзбек шеърининг марказида турган лирик қаҳрамон замондошимиз қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни XXI аср кишининг тафаккур тарзи ҳамда руҳий эврилишлари фонидан ифода этмоқда. Агар истиклолгача бўлган давр ўзбек шеърининг лирик қаҳрамон туйғуларини ифодаси орқали унинг қалбини англашга, поэтик тадқиқ-у таҳлил қилишга интилиш кўзга ташланса, кейинги йилларда яратилаётган лирика намуналари биз кўнрақ шакл ва услуб чегараларидан “қалқиб чиқиб”, эътиборимизни турфа манзаралар тасвирига қаратмоқда. Лирик қаҳрамон нигоҳи қадалган манзара қатига яширинган маъноларни эса китобхон ўз тафаккури ила туйғуларини, бадий-эстетик идрокни ва сезимларини орқали англаб олиши мумкин. Бу хусусият шеърининг сирли-сеҳрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англашини тасвирлашдан ўша бетакрор инсонларнинг турфа идрокларини-ю ҳис- туйғуларига, кўнрақларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англаш томон қадам ташлаганлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеърининг хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини топмоқда?

Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърининг ва халқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом эттириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъно ташувчи бадий умумлашмаларни яратишга интилишларида кўринади:

*“Халқим дейман, руҳим тушиб,
Кимлар кўнрақнинг тўқ қилдилар?
Минг сўқиринг тил топишиб,
Бир уйғоғинг йўқ қилдилар!”*

Шоира Ҳ.Худойбердиева қаламига мансуб ушбу шеърда муҳим ижтимоий-маънавий иллатга китобхон диққати тортилган: қалб кўзлари очилмаган, маънавий “кўрлар” бирлашиб, эл-юрт дардига бедор чинакам фидойиларни йўқ қилишга чоғланишларининг ўзи катта фожа! Зеро, яратувчи, фидоий Инсон даражасини забт этиши учун аввало инсон ўзлигини юксалтирмоғи, халқ дарди билан ёниб

¹ Yangi avlod ovozi. Jarayon (D.Quronov javoblari). Sharq yulduzi // 2013 2-son, 117 -b.

яшайдиган, уйғоқ қалбли бўлиши керакки, бунга “қалб кўзи очилган” буюк инсонларгина эриша олганлар. Афсуски, бундай инсонлар бармоқ билан санарли. Истеъдодсиз, яратувчанлик ҳиссидан йироқ, юрт манфаатларидан ўз хоҳиш-истаклари-ю манфаатларини устун кўювчи маънавий ожиз, қалб кўзлари “кўр” кимсалар эса кўпчиликни ташкил этади. Шоира ана шу ҳаёт ҳақиқатига ишора қилиб, “Минг сўкиринг тил топишиб, Бир уйғоғинг йўқ қилдилар”, - дея салмоқли поэтик фикрни қисқа, аммо ёрқин ифода қилиш маҳоратини намоёниш қилмоқда.

Азим Суюн ашъорининг ўзига хослиги уларга сингишган халқона оҳангдан, Нурота тоғлари бағридаги юрт гўзаллиги мужассам поэтик чизгилардан, чашмадай булоқлар қайнашига монанд эҳтирослилик, тоғ шалоласидай майин туйғулар ҳароратидан ҳис қилинади. Кўз ўнгимизда ложувард уфқ, шовуллаётган “шеър ёлли” чинорлар, ой ёғдусида жилваланган “зар чашма”, ёришиб бораётган тоғлар дараси, чексиз кенгликлар намоён бўлади. Лирик қаҳрамон кечинмаларига кечинмадошга айланамиз:

*Ложувард уфқда менинг уйим бор,
Бир уйки, ўйларим ойдин, сараси.
Шу уфқ тагида менинг уйим бор,
Нурота тоғларин у ер ораси.
Унинг осмонида бургут қанотин,
Шиддати ҳавони қалқитар тинмай.
Чексиз кенгликларга бўз муҳаббатин
Чўпон тили билан изҳор этар най.
Олмос қояларда олмос нур ўйнар,
Чўққилар узра, ҳув, жайрон боласи.
Булоқлар бошида какликлар куйлар,
Созларин басталар тоғ шалоласи*

Лирик қаҳрамон “қирқим-қирқим қирларга”, “гулларга тўлган” қадрдон далаларга, “майин майсаларга” боқиб, ўхшаши йўқ шу диёргагина хос исни туяди, “йиғлаб-кулиб, эзиб” бағрига босади, дуркун-дуркун қирларнинг “сочларини тарайди”. “Майсалар соғинчи”, “Тоғ ўрмони”, “Тоғ қўшиғи” шеърларидаги тасвир виқорли тоғларни, унинг осмонида учган бургутларни, чўққилар узра сузган пар булутларни гавдалантиради. Ҳар бир образ, рамз, кўчим маънолари инсон ҳаёти, умри, изланиш-интилишлари, кураш-у мағлубиятларини ифода қилади. Баъзан лирик қаҳрамон олам

сирларини кашф этишга қодир инсон борлиги ҳануз сирлигича қолганлигидан ҳайратга тушади:

*Йўлимиз ойга етди,
Ёлгон айтиб нетай.
Ҳамон гоҳ куйиб-ёниб,
Ўзни ҳалок этамиз!
Барҳанларга инониб!
Наҳотки бу дунё сир?
Наҳотки бани-башар
Доим алданиб яшар?*

Ёки:

*Тун қоп-қора, тун қоп-қора,
Ёмғирлар ёғар қоп-қора,
Бу қоп-қора тунларнинг, оҳ,
Тонглари оқ, оқ, бир қара...*

Шеърда қўлланилган ранг-рамзни – “қора тун”да ёлган ёмғирларнинг ҳам қоп-қоралиги қандай маънони англатади? Халқимизнинг аччиқ кўз ёшларига қиёсланувчи “қоп-қора ёмғирлар” ўша фожиаларни эслатади, “оқ тонглар”га умид уйғотади.

Шоирнинг фалсафийликка йўғрилган “Бир коса сув”, “Навоий ўгити”, “Истиғфор”, “Бу мағрур бошимни ҳам этмак учун” каби битиклари покланишга майл уйғотади, имонда собитликка ундайди.

*Гоҳо иймоним сотдим
Нафс дея тошдай қотдим,
Учар қушга ўқ отдим
Истиғфор, истиғфор.*

Азим Суюн ижодининг асосий қисмини Ватанга меҳр, унинг дардларига дардкашлик, она заминимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриш туйғулари ифода қилинган “Ўзбекистон”, “Ватан”, “Ўзбегим” сингари шеърлари ташкил қилади. Ушбу шеърлардан буюк туйғу ҳис қилинади: ватанни севиш, ардоқлаш, ватан олдидаги бурч масъулиятини туйиш.

Нозик қалб тебранишлари бадиий ифодасини топган “Ой гоҳ тўлин, гоҳо яримта...”, “Шарқираган сойда”, “Қуёш афсонаси” каби шеърлари орқали шоир руҳиятини ҳис қиламиз. Катта қалб эгаси – шоир образи ҳамиша эзгуликка, табиийликка, табиатга талпинади.

Табиат кучоғидан сокинлик, осудалик, гўзаллик топади. Шу боис Азим Суён ижоди китобхонни ҳам табиийликка чорлайди.

Ҳозирги ўзбек шеърлятида А.Орипов, Х.Худойбердиева, У. Азим, С. Саййид, А.Қутбиддин, Фахриёр каби шоир ва шоиралар ижодида поэтик нутқ шаклларида унумли фойдаланиш, ўз ички дунёсини ўз тили – “мен” орқали батафсил ва ҳаяжонли тарзда очиб бериш тенденцияси кўзга ташланаётир. Бундай монолог шеърларда ҳар бир ижодкорнинг инсон олами, жамият, иймон-эътиқод борасидаги ўзига хос қарашлари бадиий аксини топган. Мана бир мисол:

*Дунё камбағални камситиб, гажиб
Тагин бойитаркан бойроқларини.
Руҳим олиб қўяр бошимдан тожни
Руҳим кўтаради байроқларини!
Қайдаки етимни етим тишлайди,
Дунё қантармаса каж итларини.
Руҳим юрагимга қаттиқ муштлайди,
Руҳим кия бошлар совутларини.*

Шоира бундай мурожаат монолог орқали дунёда адолатсизлик ҳукм сураб экан, “мен” қалбим даъватига кўра курашга отланавераман, - деган салмоқли бадиий умумлашмани ифода этмоқда. Шоир Усмон Азимов эса қатор шеърларида тасвирий монолог воситасида ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўз дунёсидаги изтироблар моҳиятини таъсирчан манзаралар тасвири орқали тасвирлаш тенденциясини намоён этмоқда.

Мана бир мисол:

*Қўлларимни қийди занжир: Эзгилади бошимни –
Тогдай қуллик ерга эгди – бўйнимдан торта-торта
Мен ҳақ билдим бу дунёнинг катта-кичик тошини,
Мен тошларга юзим тутдим ёшимни арта-арта.
Бўғизларим ачишди. Ҳа, ўпкаларим ачишди.
Ўпкам тўлди одамларнинг “Оҳ”лари тўла тунга.
“Ҳаво” дедим, - томогимга қаро қурум ёпишди,
Неча йилки, мен ҳавосиз яшайман бутунлай.
Совуқ қотдим. Изгиринда чирсиллади сўнганим,
Томирларим – аёзларда музлаган қиёқ ҳануз
Олов сўраб, гулханларни бўзлаб кезди юрагим,*

*Ёнгинлардан ёниб чиқиб, қучоқлади мени муз.
Мен – сувсадим. Мен қақрадим. Мен – хас бўлдим.
Қурдим...*

Лирик қаҳрамоннинг эркисизликдаги изтиробли ҳолати, эрк сувиға ташна дарахт каби қақраб қуриши ниҳоятда таъсирчан ўхшатишлар, жонлантириш, муболаға каби тасвирий воситалар, ўз ҳолатини шарҳлаш усули орқали ифодаланган. “Мен”нинг фожеаси эркисизлиги – “тоғдай кулик” айна чоғда тош юракларга юз тутиб, дунёнинг “катта-кичик тошларини” ҳақ деб билганида, уларга ишонч кўзи билан қараб, “тошларга юз бурганида”. Бу ўринда шоир умумлашма образ – “тошлар” воситасида қалби эзгу тилак ва истаклардан йироқ, ҳиссиз, дийдаси “тош” одамларни назарда тутаётир. Бундай одамлар эл дардига дардкаш-у, тилакларига тилакдош бўла олмаслигини кеч англаган лирик қаҳрамон одамларнинг “оҳ”лари тўла тунда элу юрт изтиробларига ҳамоҳанг аламли кўз ёшларини тўкмоқда...

Сўз санъатининг жанрларида ранг билан боғлиқ рамзий образлар кўплаб учрайди. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий асарларида ҳам лавҳалар, табиат тасвирлари, илгари сурилган фалсафий ахлоқий-дидактик фикрлар ранг рамзлар орқали берилганлиги маълум. Айниқса, Алишер Навоий ижодида мажозий ранглар тимсолларга кўчирилиб, комиллик босқичларини забт этаётган инсон дунёсини тасвирлашга хизмат қилганки, ана шу хусусиятлар Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ўзгача товланишлар ва маънолар касб этмоқда.

Оламни ва ундаги турфа ҳолатлар, ҳаёт мураккаблиklarини қалбида кечираётган инсон дунёси ҳам камалакранг. Бутун ҳаёт залворини ўз тафаккурига сиғдиришга уринаётган замондошимизнинг кечинмалари, ўй-хаёллари ҳам чегара билмас даражада рангин. Ана шу олам ва инсон дунёсидаги муштаракликни бадиий сўз поэтик ранглар орқали ифодалаш имконини беради-ки, бундай рамзийлаштириш шоирга қисқа оҳанглар ва санокли рангларда инсон тимсолини жонлантиришга қодир мўйқалам тутқазади. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Билол хабаш” шеърида қора ранг образнинг руҳиятини ёритиб турган эътиқод нурига уйғунлашиб оқликка кўмилса, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим шеърларида учровчи оқ ранг беғуборлик, самимийлик, ёруғлик, эзгулик маъноларини ифода этади. Ҳалима Худойбердиева

шеърларида оқ ранг билан ёндош сарик ва қизил ранглар учрайди. Шоира жудолик, айрилик, тушкунлик, алданиш ҳолатларини сарик ранглар воситасида жонлантурса, қизил ранг орқали ёвузлик, фожеавийлик, зўравонлик, истибодот рамзларини яратган. Инсон қадди букилган, эрки топталган мустамлакачилик даврида ҳатто нафас ҳам қизил, кишан ҳам қизил, тикан ҳам қизил. Шоирлар фавқулодда ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик ғояни тўлақонли англантишга муваффақ бўлаётирларки, бу хусусият ҳозирги ўзбек шеърлятига хос тенденция сифатида тадқиқ этилиши лозим. Поклик, нурдай бокиралик, иллатлардан фориғлик, иймон-эътиқодлилиқ Эшқобил Шукурнинг “Яшил ўлим” шеърляда асосий бадий унсур-рамзий образ орқали ифода этилган. Бу хусусиятлар ўзбек шеърлятида ранг рамзлар воситасида инсон дунёсини, олам хоссаларини ўзига хос тарзда англаш ва тасвирлаш усули юзага келганлигини кўрсатади.

Истеъдодли шоир Баҳром Рўзимухаммад ижодида ҳам рангларнинг рамзий қўлланиш усули ўзига хос поэтик тимсоллар яратишга хизмат қилгани кузатилади.

Инсон табиатга талпиниб яшайди. Унинг бағрида ўзини қушдай енгил, дардларидан фориғ ҳис этади. Табиат гўзалликларига боқиб баҳра олади ва ўзини унинг бир бўлаги деб билади. Аммо она табиатни асраш инсониятни кулфатлардан асраш эканини ҳамма ҳам ёдда сақламайди.

*Вақтиқи ер тарс ёрилганида
Ҳавода учиб миллионлаб ер бўлаклари
Мумдай эриб битса
Тутунга айланса ер
Вақтиқи, сирғалса юлдузлар
Уч қуёш чарх урса кўкда
Ва уч қуёшга жуфт бўлса уч ой
Тун ва кундуз қоришса бир-бирига
Вақтиқи, борлиқ ўз маъносини йўқотса буткул...*

Тасаввур қилинг, сарҳадсиз фалак бўм-бўш бўлиб қолса, тутунга айланса ер? Шоир бепарволик, бемақсад яшаш, гуноҳлардан юраклар эзилмас даражага келса, инсонлар борлиқни талон-торож қилиб бўлишса, тугатишса, ҳатто, янчиб бир-бировларин, ҳайхот, бу ҳолга чидаш беролмай, ер тарс ёрилса, мумдай эриб битса борлиқ! – дея хитоб қилмоқда.

Ёруғлик ўрнини зулмат эгалласа, борлик ҳам ўз маъносини буткул йўқотса, демак куррамиз ҳам коинотда чилпарчин бўлади! Шоир ана шу фалокатни кўз олдимизда қуюқ қора ранглар орқали жонлантиради, инсонлар қалбининг рангсизлиги, бўшлиққа айланиб қолганлиги оламнинг бўм-бўшлиги билан уйғун тасвирланади.

*Ана ўрик гули
хўрозқандга ўхшаб музлади
яшиллик совқотиб турибди
дир-дир...
сочингизни ўйнайди шамол
шундан бошқа иши йўқ каби
жиддий...*

Гўзалликнинг музлаши, яшилликнинг дир-дир совқотиб туриши эзгуликнинг омонатлигидан дарак бермайдими? Фарзандларимиз қалбида ниш уриши керак бўлган инсоний сифатлар, латиф хулқлар куртак ёзаётган дарахт япроқлари каби совқотиб турса, бу умримизнинг, борлиғимизнинг омонатлигидан, ҳаётнинг ғаниматлигидан дарак бермайдими?

Демак, ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образларни шартли равишда қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Севги-муҳаббат маъноларини ифодаловчи рамзлар.

2. Инсоний фазилатларни улуғлашга, меҳр-оқибат, эзгуликни қадрлашга ундаш маъносидаги рамзлар.

3. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги рамзлар.

Булардан ташқари, ҳозирги ўзбек шеъриятида “ранг-рамз”, “ранг-образ”, “ибора-образ”, мақоллар, ҳикматли сўзлар орқали рамзлар яратиш хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Бу хусусият инсон билан табиатнинг алоқадорлиги, айни пайтда, руҳиятимизнинг она табиатга уйғунлиги ҳосиласидир. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий-эстетик тамойил сифатида яшамокда.

Ҳозирги адабий жараён хусусиятларини тадқиқ этган ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари мустақиллик йилларида юз берган муҳим жиҳатни таъкидлаб, бадиий ижодга янгича муносабатнинг қарор топаётганлиги; ижодкорга яратувчи шахс, санъаткор сифатида қаралиб, бадиий асарларга биринчи галда бадиият талаблари нуқтаи-назаридан баҳо беришга ҳаракат қилинаётгани, “ғоявийлик”ни эмас, ижодкорнинг бадиий тафаккур

тарзини ўрганиш етакчи тамойилга айланаётганини ижобий ҳодиса сифатида таъкидлаётганликлари қувонарли ҳолдир.

Ижодкор бадий тафаккури Оллоҳ инъом этган илоҳий мўъжиза-истеъдод нурига йўғрилган бўлса, қанчадан-қанча миллий бойликларни бунёд этади. Бу ҳақда сўз юритган И.Ғафуров: “Истеъдод – миллий бойлик. У неча юзлаб, минглаб бойликларни бунёд этади, дунёга беради”, – деганида тамомила ҳақ эди. Айнан ижодкор бадий тафаккурининг илоҳий ва дунёвий мазмунлари уйғунлигидан юзага келувчи ўзига хос услубда ҳам шу икки жиҳат кўзга ташланади: истеъдод – маҳоратни юзага чиқарувчи омил бўлса, услуб – ижодкор тафаккурининг бадий тил орқали дунёвий маъно ва мазмун касб этишидир. Истеъдод – ёниқлик, сўз изтироби ила яшаш...

Демак, ижодкор шахсида ана шу жиҳатлар уйғунлашиб, ўзига хос услубининг намоён бўлишида асос вазифасини ўтайди. Айни чоғда, ижодкор услуби ва бадий маҳорати воситасида инсон дунёсининг сирли, сеҳрли қатламлари, туйғуларининг шиддати, ҳис-ҳаяжонларининг маъно товланишлари, тугёнларининг зарби ифода қилинади, тасвирланади. Китобхон яна ўша илоҳий мўъжиза - истеъдод қудрати ила ўзга инсонлар руҳиятини ҳис қилади, улар дунёсига кириб боради, уларни худди ҳаётдагидек жонли инсонлар каби тасаввур этади ва тушунади, ҳамдардга айланади. Бадий образлар қиёфасида ҳар сафар образларнинг янги, сирли ва сеҳрли, бетакрор илоҳий дунёси намоён бўлади. Яратилаётган ҳаётини қаҳрамонларни замон ва истиқлол даври адабиёти талаблари, бадиият мезони асосида ҳар тарафлама чуқур ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги ўзбек шеърлятига хос тамойиллардан яна бирига эътиборни қаратиб, профессор Ҳакимжон Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Тоталитар тузум ва унинг мафкураси миллий республикалар халқларини тарихидан, маданияти илдизларидан маҳрум этибгина қолмай, диний анъаналари ва урф-одатларини ҳам пайҳон қилиб ташлади. Диний маданият ўрнига бу халқларга берилган марксча-ленинча таълимот эса улар иймонини саломат олиб қололмади. Сўнгги йилларда динга эркинлик берилиши, ислом таълимотига оид илмий-оммабоп асарларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар натижасида ўзбек шеърлятида ислом асотирлари ва ғоялари билан суғорилган шеърлар пайдо бўлди. Бу шеърлар “Қуръон” сурасидаги оятларда ва ҳадислардаги кишини

тўғри йўлга солишга иршод қилинган фикрлар асосида ёзилгани учун киши иймони мустаҳкамлашга жуда қўл келяпти. Чунки иймони мустаҳкам одам ҳар қандай ёмонликдан ва инсоний иллатлардан сақланади, ҳеч кимга зулм қилмайди”¹.

Олимнинг фикрларига умуман қўшилган ҳолда, биз ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби унсурларидан фойдаланиб, оламини унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаввар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф-у шоирлари қарашларига ҳамоҳангликда яратилаётган поэтик ғоялар, бетакрор ташбеҳларга юкланган салмоқли фикр ва туйғулардан англашилишини таъкидламоқчимиз. Зеро, бугунги кунда инсониятнинг қиблага юз тутаётганлигини дунё тан олмоқда. Хусусан, шоир Усмон Азим олам сирларини англашга нечоғлик уринмасин “сирлар тугунини еча олмаганлигини” эътироф этади. Шоир айна ҳолат сабабини оламининг бор сиру-синоатларини ўз кўнгил оламида жилвалантирган инсон қалби сирлигича қолганлигида деб ҳисоблайди:

*Тангрим, фақат кечир, бандаларингга
Бир қатра озодлик бермаганим-чун.
Қон ютган кўримлар учун кечиргин
Кўзимнинг ёшлари учун кечиргин.
Дунёнинг тошлиги учун кечиргин.
Кечиргин – кўйингда адашганимни,
Кечиргин – кўйингда тинмаганим-чун,
Кечиргин – эрк учун талашганимни,
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун*

Инсонни поклаш, оламини тозартиш, оқ ва қора ранглар замиридаги маънолар: эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятни кўтариб, улоқтириб ташлашга қодир куч борми? Бугун инсоният онгини забт этган савол аломатига қандай маънолар сингишган? Муаммо ечими қандай? Оламини инсон боласи яратган ёвузликлардан сақлаб қолиш мумкинми? Ана шу саволга жавоб излаб, “охир замон” аломати-ю залолатлари ҳақида, гуноҳларга бурканган куррани шоир Баҳром Рўзимуҳаммад куйидагича тасвирлайди:

*... айна пайтда тафтиш кучи боис
ўз ўқидан чиқиб кетди ер шари*

¹ Н.Каримов. Istiqlol davri adabiyoti.-Т.;Yangi nashr, 2010. 16-b.

чиқиб кетди қуёш системасидан.

*айни пайтда тонг ила тун
ола-була шамойилга кирди
зулмда ўзгартириб рангу тусини*

*оқ олма пишаётган чоғ
қорбўрон ўйнаб юрди болалар.
ёзга қўшилди қишининг уч кунни.*

*айни пайтда тугилган гўдакнинг
соч-соқоли оқарди бирдан
онасини эмди мункайган чол.*

*айни пайтда қуёш нурини
қайга сочишни билмай турди-да
куйдириб юборди ойни дафъатан...*

Нега? Нима учун? Бу саволларга шоир “Қарғалган” номли шеъри орқали жавоб қайтаради:

*Сен улуг ибтидодан нарироқда бир қадам босдинг
Шу боис Аллоҳнинг қаҳри келди
Пайғамбар қарғади сени
Шайтони Лаиндан-да баттарроқ бўлдинг
бироқ сенинг руҳиятингни тўлдирган завқу шавқ
икки дунёда ҳам йўқ, фақат сенда бор
эй, абадий йиғи, эй абадий кулгу, эй абадий жимлик.*

Шоир сирли-сехрли дунё сарҳадларидан-да нарироқда, бу дунё чегарасидан ташқарига “қарашга”, идроки, ўй-хаёллари ила у томонга “бир қадам ташлашга” ботинган инсонга шу гуноҳи учун қарғиш ёпишганлигини таъкидламоқда. Бу шаккоклик эвазига лирик қахрамон – шоир қалб изтиробини безовта руҳнинг мангу азобига дучор этилган. Аммо инсоният дардини куйлаб йиғлаш, эзгулик нурларига чулганган олам гўзалликлари-ю одам кулгусидан завқланиш фақат шоирларга насиб этмишдир. Айни чоғда, ўз ожизлигини тан олиб, Оллоҳ иродасига бош эгиб, абадий “жимлик” сари юз бурган инсон сукути ҳам олам-олам маъноларни ифода этади. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган “янгилик” сифатида эътироф этилаётган “ўзбек модерн шеърляти” алоҳида эстетик тамойил эканлигини асослайди. Модерн йўналишидаги шеърлар

ижодкор-у китобхоннинг XXI асрдаги табиий маънавий-руҳий эҳтиёжларига монанд юзага келди. Бундай шеърлар инсон шахси ва ҳаётини, унинг кўнгил оламини ижодкорнинг тасаввурлар олами орқали кузатиш орқали ҳар икки олам уйғунлиги ёки ўзгачалигини англаш мумкин бўлган маъноларни тасаввур воқелигига айлантириб (ҳис-туйғулар ва идрок бирлиги) бадий талқин қилиниш натижасидир. Ижодкорларнинг бундай шеърлари бир қарашда миллий шеърятимиз учун ноанъанавийдек туюлади. Ҳижо, туроқ ва қофиядан узоқ, халқ жонли тилига яқин сарбаст шеърларни бир ўқишда тушуниш қийин, аммо ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳангга эгаки, бу хусусиятлар шоир маҳорати орқали бетакрор поэтик манзаралар ва бадий умумлашмалар яратилишига асос бўлган. Бундай шеърлар ўзи ва ўзгалар оламини янги жиҳатлардан идрок этишга интилаётган замондошимизнинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини тўла қондирмоқда.

Жаҳон адабиётига хос “модернизм” ва сюрреализм ҳақида сўз юритиб, адабиётшунос Андре Бретон куйидагиларни алоҳида таъкидлайди: “Унинг мақсади оғзаки, ёзма ё истаган бошқа бир йўл билан фикрнинг реал амал қилишини ифодалашдир. Сюрреализм муайян ассоциатив шаклларнинг олий реаллигига ишонишга асосланади. Сюрреализмга қадар бу шаклларга бепарво қараб келишган. Сюрреализм хаёлотнинг қудратига, фикрнинг беғараз ўйинига, ишончига таянади. У бошқа ҳар қандай психик механизмларни узил-кесил барбод қилиб, ҳаётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишда уларнинг ўрнини эгаллашга интилади”.¹ “Демак, - деб ёзади Ҳакимжон Каримов, Андре Бретон қарашларига таяниб: – сюрреалистлар ақлга суянади, унинг қудрати билан иш кўради. Чунки ақл кучигина одам ва олам моҳиятини тўғри англашга имкон беради. Модернизмнинг йўналиши ва мақсади ҳам шунда”.² Шоир Баҳром Рўзимухаммад эса масала моҳиятига янада чуқурроқ кириб бориб, модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмаслигини асосли тарзда таъкидлайди: “Модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизмга реализм сувратидаги соцреализм оқимигина қарши қўйилган. Эндиликда аста-секин адабиёт сиёсатдан ҳоли бўлмоқда. Чунончи, адабиётнинг ўз “сиёсати” мавжуд. Адабиёт инсон руҳий олами узра сиёсат юргизади, руҳ оламидаги жисмлар

¹ Andre Breton. Syurrealism manifesti. // Jahon adabiyoti. -2000. 5-son. 179- b

² Н.Каримов. Istiqlol davri she'riyati. 42- b.

орасида интизом ўрнатади, қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Сўфийларнинг кўнгил парвариши таълимоти бежиз кун тартибига чиқмаган бир маҳаллар. Биз шу йўлдан юрмоғимиз лозим. Бу йўл маънавиятимизни юксакликка олиб чиқади, бу йўл миллатимиз юрагини, шарқона кечинмаларини боболаримиз маънавиятига омухта этган ҳолда жаҳон илм аҳлига кўз-кўз қилади ¹”.

Дарҳақиқат, шоир таъкидлаганидек, инсон руҳий ҳолатини тафтиш этувчи, унинг ўзлигини, “мен”ини кашф этишга қаратилган ва бугунги кунда модерн адабиёти деб номланаётган услубий йўналиш Шарқнинг улкан тафаккур қудрати билан яратилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ҳақда ёзувчи Назар Эшонқул фикр билдирар экан, халқимизнинг қадимий ижод намуналарини юқори баҳолаб: “Туркий халқлар асотир ва эпосининг таъсир кўлами шу даражада кенги, биз ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Агар биз ана шу меросни ўзлаштира олсак, ғарб адабиёти нимадан иборат эканлигини ҳам тезда тушуниб етамиз²”, – дейди.

Таниқли мунаққид ва олим А.Расулов эса сўнгги йиллар ўзбек поэзиясининг биз таҳлил қилган тамойиллари ҳақида сўз юритиб: “Сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида инсоннинг ўзини-ўзи англаш муаммоси жиддий талқин этилмоқда. Инсон руҳиятидаги ҳаёт, зиддият, фалсафий-руҳоний талқин ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Абдулла Ориповнинг “Бир қарасам” шеърида ҳам ўзини-ўзи англаш, руҳий ҳолат, ички кураш акс этадики, у асарнинг умрибоқийлигини таъминлаган... Ўзбек адабиётида “мен” – “яратган ҳамма нарсамиз” қатлами ёхуд инсон фарзандининг табиат ва жамият бағрига тўла кириб бориши, “мен” – “қоинот” қатлами ёки илмий-диний-фалсафий қарашларни яхлитликда акс эттирган мураккаб асарлар ҳали кўп эмас... Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирлар асарларида тарихий номлар, асарлар, диний тариқатларга ишоралар борки, уларни ўзлаштириш учун маълум тайёргарлик босқичини ўташ жоиз,³” – деб ёзади. Айни фикрни бугунги ўзбек шеъриятининг “модерн” йўналишида ижод қилаётган барча шоирлар асарларига татбиқ этиш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки бундай услубдаги шеърлар китобхондан шеършунослик илмини ва муайян адабий тайёргарликни талаб этиши аниқ. Зотан, шеърни ҳар бир китобхон ўз

¹ B.Ro‘zimuhammad. Yangi avlod ovozi (suhbat). Sharq yulduzi// 2013. 1-6-sonlar. 2013.-35-b.

² Nazar Eshonqul. Yoshlar nasri o‘z yo‘lida boradi // O‘zAS. – 2000. 4 -avgust.

кўнгли, ҳис-туйғулари ва тафаккур тарзига монанд ҳис қилиб англайди.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Сўз йўли” номли танланган асарлари иккинчи жилдини кейинги йилларда ёзган шеърлари ташкил этган. Тўпладан ҳазрат Абу Ҳамид Ғаззолий ҳикматлари, Шарқ адабиётининг улуғ намояндалари Мавлоно Румий, Ҳофиз Шерозий ғазаллари, Александр Пушкин, замонавий рус шеърляти дарғаларидан Андрей Вознесенский, Александр Файнберг асарларидан қилган таржималари ҳам ўрин олган. Айни дамда, шоирнинг мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттириб, ўзига хос услуб ва оҳангда битган “Яхшилик эскирмагай” (“Қирқ ҳадис”), “Шамнома”, “Кўнгил соҳили” каби туркумлари диққатимизни тортади. “Шамнома”нинг ёзилиш сабабларини шоирнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: “Бу тўртликларни мен осмондан олиб ёзмадим. Болалиқда, раҳматли момодан кўп эшитганим, янгаларимга айтадиган “Қилиқнинг иссиғи – бахтинг исирлиғи” ёки “Аёл –эркакнинг вазири” деган гаплардан тортиб то ҳозирга қадар, «Ташканнинг Эски жўва бозорида “Дўмбоққина ҳандалаклардан олиб кетинг” деган опахоннинг сўзларигача – ҳаммаси ўзимга таниш, қадрли, кўнглимга, ҳаётимга дахлдор кечинмалардир. Уларда номлар, исмлар бор: улуғ зотларнинг, устозларимизнинг номлари, яна бошқа номлар. Тилга олиш баҳонасида мен бу зотлар олдидаги узиб бўлмас қарзимни назарда тутганман. “Ўчоқдаги ўт бошқаю, юракдаги ўт бошқа” деганларидек, бу ёзганларим – балки менинг яна бир уринишим, кўнгилга томон яна бир чоғланишимдир. Ёзилмаган катта шеърларнинг парчаларидир, балки кунларим, тунларимнинг бўлақларидир”.

Айни кўнгил изҳори шоирнинг қуйидаги тўртликларида янада ёрқин ифодасини топган:

*Менинг Ватан ичра ватанларим бор
Мангу завол билмас чаманларим бор.
Термизийлар янглиз хазиналарим,
Бухорийлар каби маъданларим бор.*

* * *

*Мен бунда ҳар дилдан наволар олдим,
Ҳар гиёҳ, ҳар гулдан саболар олдим.
Оқ фотиҳа олдим оппоқ тоғлардан,
Азим чинорлардан дуолар олдим. (194-б.)*

“Райҳонлар баргидан сиёҳ олган” шоир қалби ҳар ҳисдан ўз руҳида бир гиёҳ унгани, “юртнинг турна кўзли булоқларидан” кўнгил кўзи очилгани, нигоҳлари тиниқлашганини ҳис этади. Кимдир умр бўйи қаср қуради, кимдир мол-дунё йиғиш билан овора. Кимдир жабр қилмиш ва топмиш жафо. Бу дунёда ҳатто сўз ҳам сотилди, бегона ҳам, дўст ҳам сотилди... кечирилган умр эса тушларга айланди...

*Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,
Согинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар,
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она...*

* * *

*Айтмангиз, биз узоқ манзилга кетдик,
На дарё ва на ё соҳилга кетдик.
Ўзга манзиллардан изламанг бизни,
Ёронлар, биз дилга, биз дилга кетдик (203-б.)*

Шоир дил йўли кўнгил томон олис сафарга чоғланар экан, “бу манзилга етгунча гўё минг йил тараддудлангани, талпингани, “минг йил йўл юрганини” эътироф этади. Куй тинглаб, “кўнгил найи” эсаётган манзиллар, гул ҳуснига мафтун кўнгил раъйдан, меҳру муҳаббат йўлидан кетган шоир “бир умрлик кўнгил пайдан кетдик” дея ўз кўнгил йўлига ишора қилади. Барчамизни ўзликимизни танишга, ўз кўнгил йўлимизни тайин этишга ундайди, оғриқли саволлар билан туйғуларимизни, хаёлларимизни силжитади:

*Дунёга келдингиз кетгайсан қачон?
Эзгулик нақшини битгайсан қачон?
Неки бор, етишидинг елиб-югуриб,
Эй инсон, ўзингга етгайсан қачон?*

“Румийдан бир коса”, “Хайёмдан бир жом” олиб, тоқат излаб, кўнгил йўли аро кезаётган шоир мудроқликдан кечишга, “шабнамдай бир тоза ғам”, дард ила яшашга, кўнгил манзаралари ортидаги ҳикматлар маъносини уқишга интилади:

*Олис юлдузларда қандай хабар бор?
Ойнинг гардишида қандай хатар бор?*

*Мангу хавотирдай айланар фалак,
Бир кун ҳаммамизга катта сафар бор...*

* * *

*Улуз Ойбеклар-у Гафур Фуломлар
Нечун улуз эрди, улуз каломлар?
Чунки улуз эрди бу зотларда қалб,
Қалбда улуз эрди дарду аламлар (233-б.)*

Ўз умрини “кўнгил йўлига” бурган шоир соғинчларини ҳам, оғриқларини, камлик, кемтикларини ҳам сўз йўли аро битикларида – “Шамнома”-ю “Ғамнома”сида изҳор этар экан, ўтадиган кун-умримизнинг “кўнгил томон бир сафари”, ҳар он – “қунимизнинг бир гавҳари”, ҳар отадиган тонг - Оллоҳнинг бизларга хушхабари” эканини таъкидлайди. Зотан, инсонлик аъмоли, отаётган оппоқ тонг, қаршимиздаги узун кун ва тун барчамиз учун кўнгил томон бурилишга, кўнгил йўлига сафар қилиш, кўнгил манзаралари ортидаги маъноларни уқиш учун яна бир имкон, фурсат демакдир. Кўнгил йўли эса шоир учун сўз йўли, сўз изтироблари-ю қувончларига тўлик, бепоён, олис, машаққатли йўл...

*Уйқашдир бу йўлнинг шому саҳари,
Хабарлари бисёр, кўндур хатари.
Эй дўст, Фаридиддин Аттордин ўрган,
Энг узоқ сафардир кўнгил сафари.*

Шоир гоҳ бу йўлнинг “туфроқ янглиғ сўқмоқларидан, гоҳ тошқин сел, кўкдаги чакмоқларидан” ўтиб, кўнгил йўлида дарбадар кезади, ўзини “кангул деворининг хаси”дай, гоҳ шабнам кўнган япроқдай ҳис қилади. Дашту саҳро кезиб, қай бир қирғоқларига бош уриб, “ахтара-ахтара кўнгилни топганлиги”ни эътироф этади. Шу дам дарахтлар бандида титроқ, япроқлар ичра хавотир, қоялар аро жунжикиш, дарёларнинг шиддатла тўлғонишини ҳис этади. Ҳатто ёмғирлар ҳам “ҳасрат ўчоғидан тўкилган чўғ”дай иссиқ, куйдиргувчи. Бу манзара қандай маъноларни ифода этади?

Ўзини “ҳасрат ўчоғида ўтинга”, “қисмат қирғоғида тутунга” қиёслаган шоир ишқсизлик қирғоғига етиб келганлигини аён этади. Ишқсизликдан мунғайган, дардсизликдан нураб бораётган “кўнгил йўли”га қараб шоир кўзларига мунг, кўнглига “қиров тўшалди”. Бу манзарага дош беролмаган шоир аҳволни тузатиш илинжида

